

СОЛИҚ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11398664>

М.Б.Кимсанбоева,

ТДИУ “Молия” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мамлакатимизда солиқ тизимини ривожланиш эволюцияси ҳақида ҳақида маълумотлар ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Солиқ тизими, солиқ маъмуриятчилиги, солиқлар, солиқ тўловчи

Мамлакатда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотларни амалга оширишда авваломбор солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, солиқларнинг турлари ва уларнинг амал қилиш механизминини соддалаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Давлат фаолиятининг барча йўналишларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ва давлат устуворлигини амалга оширишнинг иқтисодий воситаси солиқлардир. Солиқ тизимини тартибга солиш ва мукаммаллаштириш молиявий тизимни ривожлантиришга ёрдам беради. Иқтисодиётни давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш, давлат бюджети даромадларини шакллантириш солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этувчи усули ҳисобланади. Давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқдан тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаи ҳисобланади.⁶¹

Инсоният тарихида йирик давлат арбобларидан бири, ўрта асрларда буюк салтанат барпо қилган Амир Темур солиқларга катта эътибор қаратган. У давлатни идора қилиш тизимини юзага келтиришда асосан солиқларга таянган. Ўша даврнинг давлат молияси бу тизимнинг энг муҳим унсурларидан бири эканлиги, у давлатни бошқаришдаги барча жиҳатларига узвий

⁶¹ <https://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/10/15-y-Soliq-va-soliqka-tortish-Darslik-A-Voxobov-T2009.pdf>

боғланганлиги билан тубдан фарқ қилиб тургани ва айна шу хусусиятга кўра бошқарувнинг барча таркибий қисмлари орасида марказий ўринни эгаллаганлиги бугунги кунга келиб ҳаммага аён бўлмоқда.

Амир Темур молия ва солиқ тизимини бошқаришда қуйидаги тамойилларга асосланиб иш тутган, деган хулосага келиш мумкин.

Биринчи тамойил – адолатпарварлик тамойили. Солиққа тортишнинг оммавий характери, солиқни фуқароларнинг даромадларига қараб тақсимлаш.

Иккинчи тамойил – аниқлик тамойили. Бунга асосан солиқ тўловчига солиқ ҳисоблаш усули ва тўлаш вақти олдиндан маълум бўлиши керак.

Учинчи тамойил – солиқ тўлаш ва ундириш аҳолига қийин бўлмас дан, қулай бўлиши керак. Солиқ фуқаролар учун қулай вақтда ва усулда ундирилиши керак.

Тўртинчи тамойил - солиқларни тобора такомиллаштириб, солиқ тўплаш харажатларини эса камайтириб бориш тамойили.

Бу тамойилларни Амир Темур “Тузуқлар”да ўзига хос мулоҳаза билан баён қилган. Масалан, унинг фикрича, солиқ ҳосил пишиб етилгандан кейин олиниши керак. Бундан ташқари, Темурнинг ташаббуси билан фавқулодда ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган солиқларнинг бир қанчаси бекор қилинади. Булар қаторига соварий (олий мансабдаги кишиларга совға учун олинадиган), кўналға (елчилар ва чопарлар учун меҳмон пули), шилон (сарой хизматчилари учун совға) ва бошқалар кирган.⁶²

Солиқлар қадимги даврлардан эътиборга олинган, аммо у вақтларда солиқлар озод ва эркин бўлмаган кишининг белгиси бўлиб хизмат қилган. Адам Смит (шотланд файласуфи ва иқтисодчиси, 1723-1790) ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари» номли китобида (1776) илк бор солиқ тамойилларини кўрсатиб берди, солиқларни аҳамиятини ёритиб,

⁶² И.М.Ниязметов, С.А.Ғиясов, Ф.А.Файзиев, Р.Р.Дусчанов “Солиқ назарияси ва тарихи” ўқув қўлланма 2022 йил 114-120 бет

уларни давлатга тўлаш қуллик эмас, балки эркинлик аломати эканлигини асослаб берди.

Н.И.Тургенев ўзининг «Солиқ назарияси тажрибаси» номли китобида (1818йил) шуни таъкидлайдики, «Билимли бўлишнинг муваффақиятлари уларнинг халқлар урф-одатларига фойдали таъсири даражасига қараб солиқлар тизимининг такомиллашувига ҳам таъсир этган», «...солиқлар билимга эга бўлиш билан бирга пайдо бўлиб, унинг белгиси бўлиб қолди.

Солиқларнинг тайинланиши, тақсимланиши ва йиғилиш усулига қараб халқ орасида тарқалган маълумотлар тўғрисида;

йиғиладиган солиқлар миқдорига қараб унинг бойлиги ҳақида фикр юритиш мумкин, бу билимлик ва маърифатни англатадиган иккита энг асосий хусусиятдир» бу сўзлардан яна бир бор амин бўлиш мумкинки, солиқлар қадимий молиявий институтлар ҳисобланиб, давлатнинг пайдо бўлиши билан юзага келган.

Солиқлар давлат органларини таъминлаш ва улар олдида турган вазифаларни бажарилишини моддий таъминлашнинг манбаси сифатида хизмат қилган. Давлатнинг ривожланиши билан унинг вазифа ва функциялари янгича хусусиятларга эга бўлди. Лекин солиқларнинг давлатни ва унинг органларини молиялаштиришда манба сифатидаги роли ўзгармай қолди.

«Солиқлар, - деб ёзади Д.Рикардо, - ҳокимият ихтиёрига келиб тушадиган ер маҳсулоти ва мамлакат меҳнатининг бир қисмини ташкил этади ва охир-оқибатда улар капитал ҳисобидан ёки мамлакат даромади.ҳисобидан тўланади». Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Д. Рикардо солиқлар моҳиятини ёритиб, ўз навбатида А. Смит томонидан яратилган солиқлар назариясини маълум даражада ривожлантирган.

С.Г.Пепеляев «Солиқ - оммавий ҳокимият субъектларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар мулкларини бегоналаштиришнинг мажбурийлик, яқка тарзда холисона, қайтармаслик, давлатнинг мажбурлаши билан таъминланганлик асосларида ва

жазо ёки контрибуция характериға эға бўлмаган қонунда белгиланган яғона шаклидир» - деб, таъкидлаган.

Д.Г.Черникнинг фикрича «Солиқлар - давлат томонидан хўжалик субъектлари ва фуқаролардан қонуний тартибда ўрнатилган ставкаларда ундириб олинadиган мажбурий йиғимларни ўзида акс эттиради».

Ш.Гатаулин «. . . солиқлар ўзи нима ва улар нимаға керак», деган саволға қўйидагича жавоб беради: «Солиқлар - бу давлат сарф-харажатларининг асосий манбаи бўлиб, иқтисодиётни тартибға солувчи ва даромадларни барқарорлаштирувчи воситадир. Солиқлар давлат бюджети даромадларини ташкил этувчи асосий манба ва иқтисодиётни бошқарувчи муҳим қурол ҳисобланади. Бироқ бу таъриф солиқларнинг моҳиятини тўлалигича ёрита олмайди ҳамда солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини ўзида акс эттира олмайди. Бундан ташқари иқтисодий муносабат сифатида, бу муносабатлар объекти бўлиб нима ҳисобланади? деган саволларға жавоб бера олмайди.

Мустақиллик йилларида солиқ тизими ислоҳоти ривожланишини яққол кўрсатиш учун шу даврни тўрт босқичға бўлиб кўрсатиш мумкин.

1-босқич 1991-1994 йилларда Ўзбекистоннинг ўз солиқ тизимини ташкил этиш ва солиқларнинг хазинавий аҳамиятини ошириш босқичидир.

2-босқич 1995 -1997 йилларда Солиқларни бозор иқтисоди талабларига мослаштириш ва корхоналарнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантиришға қаратиш давридир.

3-босқич 1998-2005 йилларда Бу босқични солиқ тизимида солиқларни ихчамлаштириш концепсиясининг бошланиш даври деб аташ мумкин.

4-босқич 2005 йилдан то ҳозирги вақтгача бўлган давр. Бу босқични солиқ тизимида тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама рағбатлантириш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва эркинлаштириш даври деб аташ мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Iqtisod-moliya. 2008.
2. Ваҳобов АВ, Маликов ТС. Молия. Дарслик/Тошкент Молия институти. 2011.
3. Malikov TS. Moliya. O ‘quv qo‘llanma. Toshkent: Iqtisod-moliya. 2018.
4. Malikov TS, Moliya HN. umumdavlat moliyasi./O‘quv qo‘llanma. Toshkent: “Iqtisod-moliya. 2009;556.
5. Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2019. – 804 б.
6. Маликов Т.С. Бюджет-солиқ сиёсати. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. – 404 б.
7. Маликов Т.С. Молия. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2018. – 266 б.
8. Маликов Т.С., Жалилов Ш.Қ. Молиявий тизим: замонавий талқин. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2016. – 116 б.
9. TS Malikov, O Olimjonov. [Moliya](#). - O‘quv qo‘llanma. Т.: “Iqtisod-moliya, 2012
10. Маликов Т.С., Жалилов П.П., Абдураупов Р.Р. Амалий молия асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. -96 б.
11. Malikov T.S. Moliya: xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar moliyasi. O‘quv qo‘llanma. –Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
12. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ., Ҳасанов Р.Р. Молиявий бошқарув. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
13. Маликов Т., Ҳайдаров Н. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, “Иқтисод-молия”, 2007.